


# ТОШКЕНТИНГ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 66 (8. 008) 1992 йил 2 апрель, пайшанба Нархи 1 сўм

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ДАВЛАТ ТАМҒАСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА



нонин одамларимиз эъозлаб кўзига суртиши бажиз эмаслигини, дон бошоқлари ва жаҳон бозорларида ҳар бир мисқоли 15—20 мисқол бугдойга тенг кўрилаётган пахта толаси давлат тамғасида акс этиши кераклигини айтмоқдалар.

Авалги талловда иштирок этган учинчи лойиҳадан халқимизнинг китобат ва нақш санъатида кенг қўлланилган «Мусамман» деб аталадиган саккиз қирралик шакл лойиҳанинг тепасидаги мўътабар жойга қўйилди. Саккиз қирралик мусамман ҳаётнинг кўпқиррали эканини, унинг бәрча қирраларини илоҳий ғоя нҳдан бирлаштириб туришини, шундай бирлик бор жойда омонлик ва кутбарка бўйишини ифодалайди.

Ана шу саккиз қирралик мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлаётганлиги учун биз икки та мўқобил вариантни муҳокамага қўймоқдамиз. Биринчи вариантда саккиз қирралик мусамман ичига ой ва юлдуз тасвири жойлаштирилди.

Аммо Олий Кенгаш Раёсатининг сўнги мажлисида Давлат тамғаси лойиҳасининг яна бир мўқобил варианты берилди. Мақсадга мувофиқ топилиди. «Саккиз қирралик мусамман ҳам юлдуз рамзи эканини ҳисобга олиб, унинг ичига яна юлдуз ва ой тасвири туширилиши мантиқий ва аънаъга мос тушмайди» деган фикр айтилди. Шу сабабли мўқобил вариантда саккиз қирралик мусамман ой ва юлдуз тасвиридан безилди.

Энди икки вариантнинг энг яхшисини танлаш кенг жамоатчилик ва халқ депутатларининг иштирокида бўлади. Ушбу мақсадга эришиш учун лойиҳанинг тақдирини ўз ичига олган ҳал қарорларни ўз вақтида қабул қилиш зарурлигини асослаш кераклигини айтишимиз керак.

фасида бор бўлган дон бошоқлари ва оппоқ бўлиб очилган ғўза чаноқлари тасвирини янги тамғада ҳам гардиш тарзида бериш кераклигини таъкид қилди. Бундай тақдирлар Олий Кенгашга қўйилган кўпгина мактубларда ва юборилган лойиҳалар тасвирлари ҳам бор. Жамоатчилик вакиллари халқимизнинг рўзку насласини қадрлаш зарурлигини,

Авалло, совет даврида «герб» сўзи билан ифодалаб келинган атаманинг маъноси, моҳияти ва тарихини аниқлаб олоғимиз керак. «Герб» атамаси немисча «ербо» сўзидан олинган бўлиб, қирол ва герцогларга мерос қилиб берилган давлатга ва мулкка эгалик белгиси ҳисобланган. Кейинчалик бу тушунчанинг маъноси кенгайиб, бизга рус тили орқали «Давлат герби» ва «герб муҳри» деган иборалар кириб келган.

Бироқ Олмонда ҳам «герб» тушунчаси пайдо бўлишидан кўп аср олдим, яъни бундан икки ярим минг йил муқаддам Эрондан Олтойгача улкан минтақаларни эгаллаган турк ҳокими Уғризон давлатида немисча «ербо» сўзининг маъносини тўлиқ ифода этадиган «тамга» атамаси истеъмолда бўлган. Тамга ҳам маълум ҳудуддорга мерос бўлиб ўтган давлат ва мулкка эгалик белгиси ҳисобланган. XIII асрда яшаган машҳур тарихчи Рашиддиннинг «Тарихлар мажмуаси» асарида ёзилишича, Уғризоннинг ўғилларидан бири Кунхон Турон улусида ҳукмрон бўлган, унинг тамғасида оқ лоҳин тасвирланган. Кунхоннинг уқаси Тоғхон тоғлик улқаларни отасидан мерос олган. Унинг тамғасида кийик тасвирланган. Касий дегизми буйларда ҳукмрон бўлган Денгизхоннинг тамғасига кўк қабултар расми чизилган.

Мана шу тарихий ҳодисаларни яхши билган улўф тилшунос олим Маҳмуд Қошарий ўзининг бундан тўққиз юз йил бундан бундан «Девони луғати турк» асарида тамга атамасига шундай изоҳ берган: «Тамга — подшоннинг ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри. Кўриниб турибдики, бу изоҳ немисча: «ербо» сўзидан олинган «герб» атамасининг илк маъно ва мазмунига айнан мос келади.

Мирзо Улуғбек қаламига мансуб бўлган «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII—XV асрлар мобайнида ҳозирги Ўзбекистон тупроғида иш юритган давлатлар савдо карвонларидан олинмаган соғлини «тамга солиғи» деб атаганлар. Олтин Урда давлатида ҳам «тамга солиғи» деган ибора бўлган. Бир неча аср давомида Олтин Урда ҳукми остида яшаган рус князлари «герб» тушунчасини «тамга» сўзи билан ифодалаб келган. Пётр IIнинг отаси Алексей Михайлович номидан ёзилишича ва ҳалигача Москва яқинидаги Звенигород музейи деворида сақланган келадиган ёриқда тамга солиғи «тамговий сбор» деб, туркий атамани билан ифодаланган. Ҳатто бугун ҳам истеъмолда бўлган русча «тамго» сўзи аслида «тамга божи», яъни солиғи деган сўزلардан олинган. Афсуски, давлат мустақиллигини қўлдан кетган сўнги асрларда «тамга» сўзи фақат «пейём» каби тор маъноларда ишлатилиб, қадрсизланган. Сўнг унинг ўрнига «герб» атамаси киритилган.

Ҳозир эса муқабил Ўзбекистоннинг давлат тамғасини қабул қилиш жараёни «тамга» атамасининг қадимдан мржауд бўлган кенг ва юксак маъноларини тиклаш билан қўшилиб бориши табиийдир. Чунки «тамга» сўзи «кичига», «дола» каби минг йиллардан бери халқимиз ишлатиб келадиган соф туркий сўзлар.

Энди янги давлат тамғасининг кенг жамоатчилик иштирокида танлаб олинган, ўтган сессияларда Ўзбекистон халқ депутатлари томонидан муҳокама этилганда сўнг яхши фикр ва тилқаларни ҳисобга олиб, тақомиллаштирилган лойиҳасига ўтмаси, Бултур ёзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва тамғасига танлов эълон қилингандан бери тўққиз ой вақт ўтди. Шу

ойлар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эксперт комиссияси бәрча вилоятлардан ўнлаб мактублар, рангдор шаклларида ишланган хилма-хил лойиҳалар, тақлиф ва истаклар битилган хатлар олди. Биз янги давлат тамғасини танлаш ишига ўз лойиҳалари ва фикр-мулоҳазалари билан яхши ҳисса қўшган Навоий номили Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, истеъдодли rassом Б. Ф. Жалоловага, Ўзбекистон халқ депутати, наманганлик Т. Комиловага, Улуғ Ватан уруши фахрийси, кўқонлик С. Курбановага, фарғоналик rassом И. Сатторовга, тошкентлик инженерлар А. Сатнинов ва Абдуллаевларга, аскалик ўқиб турчи Б. Ш. Нишонова, Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятиндан Е. Алласуговга, Қирғизистондан Уш вилояти, Навқат ноҳиясидан мактуб ва лойиҳа кўчирма Тўхтасин Мирзасоли ўғли ва Исроил Назар ўғлига, Бошқа ўнлаб, юзлаб равшан фикрлик жонкуяр кишиларимизга миннатдорчилик билдирадими. Чунки улларнинг давлат тамғаси таловига фаол иштирок этишлари Ўзбекистоннинг тарихий ва миллий аниқларини, унинг ҳудудда яшаётган халқларнинг истак ва интилишларини акс эттирадиган Давлат тамғасини яратиб буйица олиб бориладиган ижодий изланишларга катта ёрдам берди. Шу изланишлар оқибатида халқимиз қадимдан яхши кўриданган Бахт Қуши — Хумо тасвир этилган лойиҳа кўпчилигининг эътиборини ўзига тортиди. Туркий тилдаги тарихий-адабий китобларда бу куш Давлат Қуши ва Кутубултур деган номлар билан юритилган. Ўзбек артакларида халқ қадромони Рустамни етти зулматдан кутқариб, қанотидан олиб учган бу куш Семурғ деб аталган. Асли номин Хумо бўлган ва қадимий Наврўз

байрами билан бирга шўҳрат қозонган бу куш Амударё ва Сирдарё буйларида минг йиллардан бун яшаб келадиган халқимизнинг эзгулик, тинчлик, фаровон ҳаёт ва бахт-саодат ҳақидаги орзу-истакларига жууда мос келади.

Шунинг учун Хумо тасвирланган лойиҳа Олий Кенгашининг январь ойида бўлган тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғаси учун асос қилиб олинди. Айниқса, парвоздаги Бахт Қуш бутун Ўзбекистоннинг тоғлари, дарёлари, водийлари ва яшил боғ-роғларини улкан қанотлари орқасида олиб унаётгандек тасвир этилганлиги кўпчиликка манзур бўлди. Шу билан бир-бирига, сессия пайтида ҳам, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди. Ушбу тақомиллаштириш учун зарур бўлган аниқ тақлифлар киритилди. Шу тақлифлар асосида аввалги лойиҳада Хумо боши эгик ҳолда тасвирлангани ўзгартирилди. Ҳозирги лойиҳада Хумонинг дамил кўтарилган боши ва гаврадай порлаб турган кўзлари кишиларимизнинг миллий ифтихор туйғуларига мос тушади, деб ўйлаймиз.

Авалги лойиҳада Бахт қушининг атрофи хувилаган уйдаи очик қадирлангани нуқсон деб тен олинган, бу нуқсонни бартараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат тамғаси тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб айтилган эди. Бугун кўпчилигининг эътиборига тақдир этилган лойиҳада депутатлар ва бизга мактуб йўллаган фуқароларнинг юқоридаги каби тилқаларни ҳисобга олинган. Олий Кенгашнинг ўтган сессиясида кўпгина депутатларимиз аввалги давлат тамғасида бор бўлган дон бошоқлари ва оппоқ бўлиб очилган ғўза чаноқлари тасвирини янги тамғада ҳам гардиш тарзида бериш кераклигини таъкид қилди. Бундай тақдирлар Олий Кенгашга қўйилган кўпгина мактубларда ва юборилган лойиҳалар тасвирлари ҳам бор. Жамоатчилик вакиллари халқимизнинг рўзку насласини қадрлаш зарурлигини,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. САЛОҲИДДИНОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қ. ҚОДИРОВ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. АҚАРОВ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг музбир-аъзоси Б. А. АҚМЕДОВ

Хурматли фуқаролар! Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг лойиҳасига доир материалларни эълон қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати учун сиз икки вариантнинг қайси бирини мақбул топганингизни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сизнинг фикрингизни тўлароқ ва холис ҳисобга олиш мақсадида қуйида эълон қилинаётган анкетани тўлдириб, қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: 700008, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ЛОЙИҲАСИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ВАРНАНТЛАРИНИ ТАНАШ БУЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ФИКРИНИ БИЛИШ

## АНКЕТАСИ

Фамилия, исми, отасининг исми, туғилган йили (ой, кун), шаҳар, қишлоқ, посёлке) \_\_\_\_\_

Мусамман (Севкиз қирралик шакл) ичига ой ва юлдуз тасвирланган вариант \_\_\_\_\_

Мусамман (Севкиз қирралик шакл) ичига ой ва юлдуз тасвирланган вариант \_\_\_\_\_

Алоҳида фикр \_\_\_\_\_

ёқлайман : қаршиман: ёқлайман : қаршиман

## Бугунги кун нафаси

### ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислохот, бюджет сибсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикасининг халқро молия ташкилотлариға кирини тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Бобораҳим Маъраб таваллудининг 350 йилдиги ўтказиш ҳукумат комиссиясининг мажлисида Тошкентда ва бу жойиб сўз устаси тутилган Наманган шаҳрида маъракага катта тайёргарлик ишлари олиб бориладиганлиги алоҳида таъкидланди. Бу сана муносабати билан, жумладан, Сергели районидидаги 101-кутубхонага, Октябрь районида қурилатган янги мактабларнинг бириға, метрополитеннинг Юнусобод йўналишидаги бекатларнинг бириға шир номи берилди. Шир маъракасиға Туркия, Шинжон, Афғонистон, Урта Осие республикалари, Қозғистон ва Озарбайжондан меҳмонлар тақлиф этилган. Бу тантаналар 22 май куни бошланғиш кўзда тутилмоқда.

Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуниинг энг истеъдодли талабаларидан 300 нафарға яқини Туркия етакчи илмгоҳларида ўқиш учун юборилди. Ҳозир уларни танлаб олишға тайёргарлик қирилмоқда.

### ҲАМДУСТЛИҚДА

Тоғли Қорабоғдаги можарони ҳал этиш буйица 1 апрелда Қармираван кўрғонида Арманистон, Озарбайжон, Россия ва Эрон вакилларининг учрашуви бошланди.

Украина Бош вазирининг мабуот хизмати маълум қилишича, Чернобыль атом электр станциясини тўхатиш юзасидан қарор қабул қилинган. 1991 йилда станциянинг иккинчи энергоблоки тўхатишга эди. 1993 йилда эса биринчи ва учинчи энергоблоклар тўхатишини керак.

Днестрбўйидаги Бендери шаҳрида Молдова полициячилари билан ўзини муқтаил деб эълон қилган Молдова ҳудудидидаги бу республика ҳимоичилари ўртасида қонли тўқнашувлар давом этимоқда. Кечанинг ўзида бу ерда 10 нафарға яқин киши ҳалок бўлди.

Москва молиявий иқтисодиёт ёқисида турибди. Шаҳар ҳокимиятининг бошлиғи Юрий Лушков кеча бу ҳақда баёнот берди. Шаҳарда бюджетни соғломлаштириш ва энергия ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида иситиш маъсумини қисқартриш, кўчани ёритишни қамайтириш, саноат қорхоналарида сув сарфини назорат қилиб бориш кўзда тутилди.

### ХОРИЖДА

1 апрелда Брюсселда ўз ишини бошлаган НАТО ҳамда собиқ Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар мудофаа вазирларининг учрашувида АНШ мудофаа вазир Р. Чейни собиқ СССР ҳудудидидаги тактик ядро нуқул-яроғлари Россия ҳудудида тўланиб, йўқотилиши керак, деди. Унинг фикрича, собиқ СССР ҳудудида фақат битта ядровий давлат — Россия бўлиши керак.

Латвия парламенти тиллар тўғрисидаги қонунға ўзгартишлар киритди. Шу йил 5 майда кучға кирадиган қонундаги бу янгиликларға кўра эндиликда рус тилида умуний ўрта таълим олиш ҳуқуқиға кафолат берилмайди. Ҳолбуки, бу республика аҳолисининг 48 фоизини рус тилида сўзлашувчи миллатлар ташкил этади.

Покистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиясига мувофиқ Афғонистонға зудлик билан кераклик миқдорда дон етказиб беришға тайёргарлик маълум қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 31 март куни бўлиб ўтган мажлисида Ливиядан халқро террорни қўллаб-қувватлашдан қатъиян воз кечиш талаб этилган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган бу қарор моддалари 15 апрелгача бажарилмаса, Ливияға нисбатан жазо чоралари қўлланилади. Уларға кўра Ливия билан ҳаво алоқалари тўхатилади, бу давлатға қурол-яроғ етказиб бериш ман этилади.

Германия мудофаа вазир Герхард Шгольтенберг ҳукумат қабул қилган қарорини бузиб, Туркияға 15 та «Леопард» танки сотишға рўхсат берганлиги учун истеъфого чиқишға мажбур бўлди.



Октябрь 50 йилдиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиалида кул гул ишчилар кўлаб топилади. Уларнинг ичидида Нилана Исмоилова алоҳида ўрни тутади. Негаки, бу лобар ўзининг 7 йиллик иш фаолияти мобайнида маҳсулотининг фақат сифатли ва бекирим чиқинғиға эришмоқда. Рустам Шарипов сурати.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ПРАВДА ВОСТОКА» РЎЗНОМАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

Кўп йиллик ҳалом меҳнатини, Ўзбекистон журналистикасининг ривонлаштиришдаги хизматлари ва иқтисодий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларға: «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони берилди: Алутин Валерий Георгиевич — бош муҳаррир ўринбосари, Дегларев Виктор Петрович — маъсул котиб, Фиглин Геннадий Менделевич — шарҳчи қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 1 апрель.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ. АБДУЛЛАЕВИНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БУЙИЧА КОМИТЕТ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДА

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий маърафатчи бўлиб ишлайдиган Ғайюков Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари буйица комитет раиси этиб тайинланди.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 1 апрель.

### Швейцариянинг Циорх шаҳридан Ўзбекистон Республикаси аъло вазири Бобур МАЛИКОВ бошинчилигидаги делегация қайтиб келди.

Бобур Мажидович махсус «Оқшом» учун ушбу сафар мақсади ҳансида гапириб берди: — Биз Циорихға ФИФА (Халқаро футбол ташкилоти) раҳбарияти билан учрашдиш ва Ўзбекистон Республикасини бу ташкилотта аъло қилиб қабул этиш масалаларини муҳокама қилиш учун бордик. Голт дўстона ваънада бўлиб ўтган суҳбатларда кўпгина ташкилий масалалар, шу жумладан аълолик бадали юзасидан дастлабки келишувларға келдик. Аълолик бадали республикамиз учун атиги 300 доллар қилиб белгиланди. Ўзбекистон футбол федерациясини ФИФАға аъло қилиб олиш масаласи шу йил июль ойи бошида ўтказилган мулжалланмаётган ташкилот конгрессида унда-кесил ҳал қилинди.

Бобур Мажидович, маълумки, Сизнинг фаол иштирокингиз натижасида «Пахтакор-79» хотира жамағармаси халқро хайрия турини ўтказиш тақдирини билан қилди. Бу рамиз Циорихда қутиммағида голт қилинди билан қўллаб-қувватланди. ФИФА ҳеч инқиласмасдан бундай ноёб мусобақа учинг बेвоисита раҳбарлигида ўтказилиши учун розилик берди.

Савар давомида ФИФА раҳбарияти эътиборини яна бир хайри ишға жалб эти олдики. Гап шундики, аввалин ҳалокати натижасида Ўзбекистон каби футболчилардан жудо бўлган бошқа мамлакатлар ҳам бор. Бундай фожиаға Жанубий Корея, Италия каби етти хорижий мамлакат футболчилари ҳам дучор бўлганлар. Парвоз вақтида ҳалок бўлган бу

### мажармаси ва «Пахтакор-79» футбол жамаоасига келганда эса уларнинг ташкил этилишини ҳаётини ўзи таълоқ этиш. Шайнинг фикрини булада айтиш: «Пахтакор» футболчилари фожиаға ҳалок бўлганларидан сўнг республикамизда амалда миллий терма командадан жудо бўлди. Ҳозирги «Пахтакор»ни ўшда жамаонинг юриси, деб аташ қийин. Зеро, «Пахта

рад этиб сўнги нафасларига чананон республикаларига спорт шароғиға шарф қўлиб келдилар. Ҳозирги пахтакорлар ўртасида эса биринчи ўринға моддий масалани кўювчилар топилиб турибди. Шу сабабли улар ҳеч ўйлаб ўтирмай қадридан жамоаларини ҳам, юртларини ҳам тарк этмоқдалар. Шунинг учун бу «Пахтакор»нинг ҳалок бўлган футболчилари ноли аниқланадигани содиқ қоладиган жамаонини ташкил этишға қарор қилинди. Унда ўшда машҳур футболчиларимиз — А. Аширов, М. Ан, В. Чурин, В. Корчониннинг ҳозир воғна етиб қолган ўғиллари ҳам ўйнашди. Тўғри, ҳозирги мурабба ваънада бу жамоа футбол иқтисомандлари томонидан ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватланмишга муҳтож. Иштиболарини янги жамаонинг туғилиши қувонтиришға ишонаман.

«Пахтакор-79» жамаоасининг биринчи учрашувлариёқ буға умид туғдирипти.

Суҳбатдош Самад ТУРОВОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУҲАРРИРИЯТИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ ЮКСАҚ МУКОФОТЛАР ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» РЎЗНОМАСИ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚҚАНЛИГИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.





